

1930 йил  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№108 — 109  
(2528 — 2529)  
1992 йил  
2 ДЕКАБРЬ  
ЧОРШАНБА  
НАРХИ 4 СЎМ

## Жиноятчилик чегара билмайди

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигида Франция ички ишлар вазирлиги Халқаро техник ҳамкорлик хизмати миссиясининг вакили, вазирлиқнинг гиёҳвандлик масала-лари бўйича алоқа зобити, дивизия инспектори жаноб Жан Пьер Готье билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Ғ. Раҳимов, вазир

ўринбосари ички хизмат полковниги Р. Ҳайдаров, жиноят қидирув бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Ғ. Тошматов ва бошқалар иштирок этдилар.

Ғ. Раҳимов иззатли меҳмонга мустақил Ўзбекистонга ташрифи муносабати билан мамнуният изҳор этди ва айни дамда вазирликда наркомания ва наркобизнесга қарши олиб борилаётган ишлар ҳақида етарлича маълумот берди.

— Жиноятчилик чегара билмайди, — деди вазир ўринбосари ўз сўзида. — Шу сабаб бу борада туғилажак барча муаммоларни сизники ёки бизники қабилида бўлаклаб бўлмайди. Айниқса, наркомания ва наркобизнесга қарши курашда яқдир, бир фикрли бўлиш ўта муҳим заруриятдир.

Жаноб Жан Пьер Готье бу фикрга қўшилиб, ўзларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб

берди.

— Ўзбекистон ёш давлат, — деди меҳмон. — Унинг рағнақи учун етарлича шарт-шароит мавжуд. Ўзaro ҳамкорлик доирасида Ўзбекистонга ёрдам қўлини чўзиш учун эса биз ҳамisha тайёرمىз. Айри-айри иш олиб бориш зарарли эканлигини такрорлаб ўтириш шарт эмас.

Учрашув сўнггида томонлар ҳар қандай ёрдамга доимо тайёр эканликларини яна бир бор бил-дирдилар.

Ўз мухбиримиз.

Бугунги  
сонда

2-бет

Қуроллар беҳуда ўқ  
узмасин

3-бет

Муштарак мақсад  
сари

4-бет

Юрт тинч бўлса, йўл  
тинч...

5-бет

У ким — дайими  
ёки?..

6-бет

Гонконгдан  
жўнатилган тобут

7-бет

Зангори экранда

8-бет

Шундай марказ бор

танишишингиз  
мумкин.

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

### ИЗЛАНМОҚДА

ҚИБРАЙ районидаги "Химик" давлат хўжалиги ҳудудидан нон завқининг созловчиси Ш. Х. нинг жасади топилди. Унинг қотили изланмоқда.

### БОСҚИНЧИЛАР ТУШОВДА

ЮЗЛАРИГА ниқоб кийган олти нафар босқинчи тунда Собир Раҳимов райони Зарқайнар кўчасидаги уйга бостириб киришди. Уй эгаси ва унинг хотини, қариндошини қирқма миллик билан қўрқитиб, калтаклаб, пул ҳамда қимматбаҳо буюмларни кўрсатишларини талаб қилишди. Уларнинг шовқин-суронига қўшнилар уйғониб қолдилар. Босқинчилар ташқарида одам тўпланаётганини сезишиб, жуфтани ростлаб қолишди. Ўз вақтида кўрилган чоралар туфайли босқинчилардан икки нафари қўлга олинди.

### ҚОТИЛ ЎГИЛ

МАСТЛИК қанчадан-қанча одамларнинг уйини қуритган. Буни Самарқанд районидаги Кусо қишлоғилик Н. Р. яхши биларди. Бироқ мана шу спиртли ичимликни ичиб, бир кун онаизори умрига зolim бўлишини ҳаёлига келтирмаганди. Н. Р. ҳибсга олинди.

### ИККИ ЯРИМ СОАТЛИК ОЛИШУВ

НАВРЎЗ кўргони ҳудудига жойлашган арзонлаштирилган моллар ва мева-сабзавотлар дўконида тунда чиққан ёнғин Комсомол район ўт ўчириш ходимларини оёққа турғазди. Улар икки ярим соат атрофида олов билан олишишди. Етказилган моддий зарар 100 минг сўмни ташкил қилди.

Мутахассислар ёнғин электр иситкич асбобларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида чиққан, деган хулосага келишди. Дўкон қоровули, 1955 йилда туғилган А. Б. ёнғинда ҳалок бўлди.

### КУЙДИРИЛГАН ЖАСАД

ХИВА районидаги Заунгур кўргони ҳудудидан куйдириб ўлдирилган аёлнинг жасади топилди. Мутахассислар аёл ёндирилганига 10-15 кун бўлганини аниқлашди.

Осойишталик посбонларининг машаққатли меҳнати ва елиб югуришлари, режали иш олиб боришлари натижасида аёл шахси аниқланди, унинг қотили ҳибсга олинди.

### ШИФОКОРНИ ТУНАШДИ

ФАРҒОНАЛИК шифокор Т. К. ни Қирғулидаги "Химик" маданият саройи ёнида номаълум шахслар калтаклаб, ёнидаги 3000 сўм пули, хужжатлари ҳамда дипломат сумкасини олиб қўйишди. Жиноятчилар қидирилмоқда.

### "МАРВАРИД" ДА БОСҚИНЧИЛИК

ЮНУСОБОД районидаги 14-мавзеда жойлашган кичик корхонанинг "Марварид" номи дўконига уч нафар номаълум шахс кириб борди ва дўкон мудри А. Я.ни тўппончага ўхшаш нарсa билан қўрқитиб, даромаддан тушган пулларни (ҳозир унинг суммаси аниқланяпти) олиб, еттинчи автокорхонага қарашли ГАЗ-24 белгили 26—11 ТНБ рақамли машинага ўтириб, қочиб кетишган. Унинг ҳайдовчиси сўроқ қилинганда, автомашинасини номаълум шахслар ўғирлаб кетишганини тан олди.

### ТЕРГОВ БОШЛАНДИ

БЎЗ райони матлубот жамиятига қарашли 37-сонли гастронормда навбатдаги текширув ўтказилаётиб, стол тортмасидан бир дона хужжатсиз спорт тўппончаси топиб олинди. Тўппонча шу дўкон сотувчиси Ф. Ж. га тегишли экани маълум бўлди. Терговни ИИБ ходимлари олиб бораёпти.

### ТАФСИЛОТЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

ТЕРМИЗ шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари тошкентлик У. Т. ҳамда Бойсун давлат хўжалиги ишчиси, 1966 йилда туғилган Т. А. нинг ёнларидан 20 минг сўм пул ва 1450 гугурт қутисида яшил гиёҳванд моддасига ўхшаш ашё топиб олишди ва йўқ қилишди. Тафсилотлар аниқланмоқда.

Т. МУРОДОВ.

## ФАОЛ ХОДИМ

КАСБНИНГ оғир-енгили, сер-ташвиш ёки беташвиш бўлмайди. Киши агарда ўз касбини севмаса, у ҳар қанча осон бўлмасин машаққатли туюлаверади. Аксинча, касбини севса, бу йўлда хормай-толмай тер тўкади.

Пойариқ район ҳокимияти ИИБ ИЖК гуруҳининг катта оператив вакили М. Яҳёев ана шундайлардан. У мактабни аъло баҳоларга би-тиргач, Тошкент халқ хўжалиги би-лимгоҳида тахсил олди. Ўқишни тугатгач, икки йил ҳисобчи бўлиб ишлади. 1979 йилда уни район ИИБга таклиф қилишди. Дастлаб болалар инспекциясида, сўнгра участка инспекторлигида ишлади.

1983 йилда уни ИЖК бўлинмасига ўтказишди. Шундан бери бўлинмада, ҳозирда милиция майори.

М. Яҳёев жамоатчиликка таянган ҳолда давлат ва жамоат мулкани талон-тарож қилувчилар,

ҳуқуқбузарларга қарши курашда кўзга кўринарли ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан у раҳбарлик қилаётган ИЖК гуруҳининг ходимлари 1992 йилнинг 10 ойида 35 та йирик қонунбузарликларни аниқладилар.

Булардан ташқари жамоат тартибини ўрнатиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришда ҳам у ва гуруҳ ходимларининг хизматлари катта.

М. Яҳёев ўз устида кўп ишлайди. Касб сирларини чуқур эгаллаш, ҳуқуқий билимларини янада ошириш мақсадида ҳозирги пайтда ҳуқуқшунослик би-лимгоҳининг 3-босқичида ўқимоқда. Ўзлаштирган билимлари ишнинг янада самарали бўлишига хизмат қилиши табиий.

С. АШУРБОВ,  
Пойариқ райони ИИБ  
бошлиғининг ёрдамчиси.



## ХАЛҚ ХИЗМАТКОРЛАРИ

ЭРГАШ АШУРБОВ 1966 йилдан буён халқ химоячиси, 1984 йилдан буён Тошкентдаги "Бирлашган" маҳалла участка назоратчиси бўлиб ишлаб келади. Эргаш ака ишни маҳалла фаоллари билан бамаслаҳат олиб боради. Уларнинг дардини, ғам-ташвишини бирга тартади, қувончини бирга баҳам кўради. Шу туфайли маҳалла аҳли унинг номини ҳурмат билан тилга олади.

САНОАТ ОПА ЮСУПОВА Оқ уй, Жарқўргон, Қўйлик, Янгиобод маҳаллалари бириктирилган участкада вояга етмаган ешлар билан ишлайди. Катта назоратчининг мазкур лавозимда ишлаётганига йигирма йилдан ошиб кетди, У асосан тарбияси оғир болалар билан иш олиб боради ва ижобий натижаларга эришмоқда. Уларнинг ота-оналари билан, маҳалла аҳли билан учрашиб, йўл-йўриқлар бериш ва ҳоказолар тарбиячининг асосий вазифа-ларидандир.

— Ешлар орасида майда

ўғрилик, талончилик каби жиноятлар кўп учрайди, — дейди Саноат опа. — Бугунги иқтисодий қийинчиликлар ҳам бунга шароит туғдирмоқда. Бугунги кунда биз бутун имкониятларни ишга солиб ҳаракат қилмоқдамиз. Натижалар бор. Аммо болаларга бўш вақтларини ўтказиш учун шарт-шароитлар етарли яратилмагани, ота-оналарнинг лоқайдлиги сабабли қийинчиликлар кўпаймоқда. Бунга чек қўйиш энг долзарб масалалардан.

С. Юсупованинг хизматлари муносиб тақдирланди. Унга "Республикада хизмат кўрсатган халқ татлими ходими" унвони берилди.

ЖАЛИЛ ҚУРБОНБОВ машина ҳайдаб қочиш билан боғлиқ жиноятлар билан шугуллансада, шу вақтга қадар кўплаб гиёҳвандларни қўлга олишда, катта ўғриликларни фoш этишда қатнашган. Ўнлаб шогирдлар тайёрлаган ва тайерламоқда.

— Бизнинг соҳа жуда нозик, —

дейди Ж. Қурбонбоев. — У ки-шидан зийраклик, жасурлик талаб қилади. Етти ўлчаб бир кесишни би-лиш керак. Калаванинг учини чигаллаштирмаслик лозим. Яқинда содир бўлган иккита жиноятни олиб кўрайлик. Қўйликда икки номаълум шахс машинасини эгасининг қўлидан олиб қўйиб, қирқ минг сўм пул сўрашган. Ҳам машинани зўрлик билан тортиб олишган, ҳам сотишган. Бу икки жиноят ташаббускорларини тезда аниқлаб қўлга олдик.

ТошТИда эса гараж қоровулини боғлаб машиналарнинг гилдиракларини ечиб олишган. Бу жиноят ҳам гуруҳимизнинг тезкорлик билан фаол ҳаракат қилгани туфайли ўз вақтида фoш этилди.

Бахтиёр ТУРДИ.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга): осойишталик посбонлари Ж. Қурбонбоев, С.Юсупова, Э. Ашурбоев, Л. Турсуновлар навбатдаги ишлари хусусида суҳбатлашаётирлар.

## ҚАҲРАМОНЛАР УНУТИЛМАЙДИ

РЕСПУБЛИКА ички ишлар вазирлиги томонидан ўзбек милициясининг тарихи тўғрисида "Халқ хизматида 75 йил" номли китоб тайёрланди. Чоп этилган нашр кенг китобхонлар оммаси томонидан маъқулланиб кутиб олинганидан далолат берувчи хатлар келмоқда ва қўнғироқлар бўлмоқда. Шу билан бирга айрим китобхонлар унда Ўзбекистон ички ишлар идораларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи билан боғлиқ айрим

воқеа ва одамлар акс этмай қолганлиги хусусида афсус билдирганлар.

"Постда" ва "На посту" газеталарининг шу йил 10 ноябрь сонидан ушбу китобни биз кенг тарихий асарнинг биринчи қисми деб қараётганлигимизни тушунтириб ўтган эдик. Китобни тайёрлаш учун ажратилган муддатнинг қисқа бўлганлиги ва кўпгина материаллар жойлардан ўз вақтида етиб келмаганлиги туфайли улар бундан кейин чиқариладиган

нашр учун олиб қўйилди. Ҳозир муаллифлар жамоаси унинг устида иш олиб бормоқда.

Фидокорона меҳнатлари ва қаҳрамонона жасоратлари биринчи китобда акс этмаган ички ишлар фахрийлари, уларнинг оилалари, қариндош-уруғлари ва яқинларига ўз урмишларини билдираемиз.

Келажак нашрга киритиш учун мўлжалланган материалларни "Постда" ва "На посту" газеталари ва шахсан менга юборишларингизни сўраймиз.

**Ғ. РАҲИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори.

## МУСТАҚИЛЛИК ТАЯНЧИ — МЕҲНАТ

Ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаси жамоаси ходимлари ўзларининг иш жараёнларида тубдан ўзгаришлар ясамолдилар. Инсон тарбиясидек оғир ва шарафли меҳнатни кўз ўнгингизга келтирсангиз, бу ишда зукко, сўзда бурро, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан чехраларни кўрасиз.

Жиноятчини қайта тарбиялаб, тўғри йўлга солиш, ақлий ва жисмоний меҳнатга қўништириш учун тарбиячи ўзидаги бор тарбиявий услубларни ишга солиб, маҳоратини намойиш этмоғи зарур. Хар бир шахснинг юрагини, дилини бир кўргандаёқ англаб олмағи, унга таъсир ўтказа олмағи керак. Чунки, бугун тиканли сим орақасида ўтирган шахс, эртага тенг ҳуқуқли фуқарога айланиши, меҳнат қилиши, оила-жамият билан мулоқотда бўлиши керак.

Муассасамиз тарбиявий, ишлар бўлими, ходимларининг сафида тажрибали ва билимдон ички хизмат капитанлари Н. Қаюмов, А. Ражабов, И. Икромов, ички хизмат майори Р. Тўхтаев, ички хизмат катта лейтенанти Б. Исмоиловларнинг иш фаолиятидаги ютуқлар мактовга сазовордир. Чунки бу ходимлар маҳбустларнинг келажакда тўғри ҳаёт йўлини топишларида яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шу билан бир қаторда улар еш ходимларга ўзларининг иш тажрибалари ва иш услубларини ўргатиб борадилар.

Ишлаб чиқариш корхонаси муассасасининг тутқичи тарзида шакллантирилган. Бу корхонага тажрибали мутахассис, ички хизмат капитани М. Абдуллаев раҳбарлик қилади.

Муассаса бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича муовини М. Мухамедов бошчилигида тарбиявий тарғибот ишлари кенг кўламли олиб боришмоқда. Савол-жавоб кечалари, машхур кишилар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, диний идоралар уламолари ҳамда санъаткорларнинг таширфлари тарбиявий ишлар ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу ўринда ички хизмат лейтенанти Б. Болтаев, Б. Бозоров, П. Гайбуллаевлар ўз касбига совуққонлик билан қарашиб, меҳнат интизомини бузганликларини айтиб ўтиш зарур. Бундай ходимлар кундалик ахборот йиғилишида, касабга қўмитасининг мажлисларида танқид остига олиниб, уларга нисбатан турли синов муддатлари белгиланади.

Умуман олганда муассаса жамоаси ўз умрини инсонни қайта тарбиялаш ишига бағишлаб, бу борада залворли меҳнат қилмоқдалар, десак лоф бўлмайди. Уларнинг камтарона меҳнатлари самараси ўзининг намунали ҳуқуқи, унумли меҳнати учун муддатидан илгари озод этилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилишга аҳд этган, жиноят олампидан бир умр воз кечган кишилар тимсолида кўринади.

**Ё. ҲАКИМОВ,**  
шахсий таркиб гуруҳи ишлари бўйича катта назоратчи, ички хизмат капитани.

## "Ичкилик" тушди

НУРОТАНИНГ

хусусиятлари ҳақида гапириб ўтириш ортиқча. Бу район тоғлар орасида жойлашганию, деярли 70 минг кишидан иборат аҳолиси асосан чорвачилик билан шугулланиши ҳеч кимга сир эмас. Аммо гўзалликка ошuftа инсон фарзандини салобати билан хайратга солувчи пурвиқор тоғлар кези келганда жиноятчилиқнинг урчишига сабаб бўлаётганини ҳамма ҳам билвермайди. Шу ўринда осмон билан ўпишган қоялар пойида ўғрию ўғирланган молларни қидириб юрган милиция ходимлари аҳолини бир кўз олдингизга келтириб кўринг.

— Аммо бурчига содиқ ҳамкасбларим ўғрию каззоблар сирини фош этиш жараёнида ҳеч қандай қийинчилигу тўсиқларни назар-писанд қилишмайди, — дейди район ИИБ бош терговчиси, милиция катта лейтенанти Тошназар Жониев.

Шу ерлик милиция ходимлари фаолиятига синчиқлаб назар ташласангиз, бош терговчининг гаплари муболага эмаслигига иқрор бўласиз.

Навоий Шарипов исмли йигитни кўплар танимасди-билмасди. Энди эса у аксарият аҳолига отнинг қашқасидай таниш бўлиб қолди.

Дастлаб у куннинг қоқ ярмида Деҳибаланд қишлоғида яшовчи Умрзоқ Қодиров гаражидан 250 сўмлик аккумуляторни, кейин кўйхонада диконглаб юрган бир бош кўзини "сыллиққина" ўғирлади. "Тадбир" муваффақиятли ўтганидан руҳландими, кейинги сафар шу қишлоқлик Ҳомид Файзиевнинг гаражига тунги соат II ларда "қадам ранжиди" қилди. "Гижинглаб" турган "ВАЗ-2101" автомашинасининг 2 минг 35 сўмлик эҳтиёт қисмларини ечиб олиб, "касал" қилиб қўйди.

Шариповнинг тажрибаси тобора ошиб бораркан, бир қалла яхши, икки қалла ундан яхши деган фикрга борди.

Бахриддин Жумабоев деган шахсни "ижодий ҳамкорлик"та чорлади. Таклиф инобатга олинган, қоқ ярим кечаси Эски қишлоғига, аниқроғи Сафарқул Гайратов хонадонига "меҳмон" бўлишди. Сафарқулнинг кунига яраб турган "Запорожец"нинг 960 сўмлик эҳтиёт қисмларини гум қилишди.

"Ҳақиқий ўғри асбоб-анжомларини иложи борича янгилаб туриши керак. Ҳар ҳолда эҳтиёткорлик қилмоқ, из қолдирмаслик лозим" — Навоий Шарипов ана шу хаёлларни дилидан кечирдию шериклиққа Мўмин Муродовни еллади. Хойнаҳой у шеригига ҳам асбоб-анжомдай қарайди шекилли. Кейин Ғозгон кўрғонда истикомат қилаётган Бахтиёр Ҳамроевнинг бир бош кўйини бўридай кўтариб, қочиб қолишди.

Қаҳрамонимиз қирқ ўлчаб бир кесадиғанлардан эмасми, яна ўйлаиб қолди. Шериклик иш шерикликда. Ўлжа иккига бўлинади. Охири иккинчи шеригидан ҳам воз кечишга қарор қилди. Бир ўзи яна Деҳибаланд қишлоғида Исmoil Азимовнинг уйига дераза орқали кириб, 698 сўмлик мол-мулкни қўлтўқлади. Бунга ҳам қаноат қилмади: Ғозгон кўрғонда яшовчи Нурмат Ғозиевнинг уйига тушди ва у бечоранинг бири 260 сўмлик, иккинчиси 500 сўмлик магнитофонларини ўзиники қилиб олди.

Навоий Шарипов тутқич бермас ҳисобларди ўзини. Бошқаларга нисбатан ўта уddaбуроман деб, "дарахтнинг шохиди" юрарди. Аммо ўзи "шохиди" юрса, милиция ходимлари "баргида" юришини ҳисобга олмаган экан. Бечора, нопоклик деб аталмиш кингир дарахтнинг "шохидан" "йиқилиб" тушди.

**Абдумутал НОРБОВЕВ,**  
Самарқанд вилояти, Нурота райони.

ВОЯГА ЕТМАГАН уч бола — уч бўлгуси йигит, уч бўлгуси ота жиноятга қўл урди. Иморат учун егочликка экилган дарахтни, агар қўчатлигиданёқ эгри ўса бошласа, е турилиб қўйишди е кесиб ташлайдилар. Деҳқон эккан экини

Воқеа бундай бошланган. Шу йил март ойи ўрталарида Баҳодир Юсупов Кўргонтепа жамоа хўжалиги кино клуби енида турган К. Маматохуновга тегишли нархи икки минг сўмлик моторли велосипедни ўғирлаб кетди. Ярим кечада

нарсасини ўзиники қилиб олса бўлавераркан деган фикр ўрнашиб қолди. Бу воқеани тенгқур ўртоқларига — Собир Мамадалиев билан Зайнобиддин Шамсутдиновларга ҳам айтиб мактанди. Уларнинг сўлақлари

оққандай бўлди. Шунинг учун ҳам бўлса керак, Баҳодир гилдирак ўғирлаш мақсадини кўзлаб, уларни ердамга қақирганида лаббай жавобини олди.

Яна ўша эски жой — Кўргонтепа жамоа хўжалиги кино клуби енидан шу клуб кинемеханиги Х. Абдуназаровнинг "Москвич" автомашинаси юкхонасидаги икки дона гилдиракни ўғирлашди. Қизғи (алам қиладиган жойи ҳам) шундаки, машинанинг эгаси ўшандаёқ гилдиракларининг йўқолганлигидан хабардор бўлган, бироқ на атрофни қараган, на милицияни огоҳ қилган ва на бировдан сўраб суриштирган.

## ҚУРОЛЛАР БЕҲУДА ЎҚ УЗМАСИН

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари жўрий йилда ўқ отиш қуроллари, ўқ-дори ва портловчи моддаларни, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ва алоҳида шахсларга тегишли бўлишдан қатъий назар, уларни сақлашни кучайтириш борисида бир қанча тадбирларни амалга оширдилар.

Ўқ отиш қуроллари, ўқ-дорилар, портловчи, қатъий таъсир этувчи заҳарли, радиоактив ва гиёҳвандлик моддаларига эга бўлган барча объектларда тафтиш текширувлари ўтказилди.

Бу тадбирларни ўтказиш чоғида юқоридаги объектларнинг техник жиҳатдан мустаҳкамлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Бир вақтнинг ўзида меъёридан ортиқча ва ички ишлар органлари қайд ҳисобидан ўтказилмаган қурол-яроғ, ўқ-дориларни тортиб олиш ишлари ҳам кенг кўламли олиб борилди.

Жумҳуриятимиз ҳудудларида юзага келган оператив вазиятни ҳисобга олган ҳолда шартли номи "Арсенал" деб аталган оператив-қидирув тадбирлари мажмуаси амалга оширилиб, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, ўқув даргоҳлари ва аҳоли орасида тушунтириш ишлари юргизиш изчил йўлга қўйилди.

Ўтказилган аниқ тадбирлар натижасида шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида қонунга хилоф тарзда сақланган, белгиланган сақлаш қондасини бузган шахслардан 4311 дона ўқ отиш қуроллари тортиб олинди.

Сурхондарё вилоятида Республика ички ишлар вазирлигининг бир гуруҳ ходимлари шу вилоят ички ишлар органлари вакиллари билан биргаликда келишган режа асосида қатор муҳим тадбирларни амалга оширдилар.

Ана шулар оқибати ўлароқ, қонунга хилоф равишда сақланганлиги ва сақлаш қондаларини бузганлиги учун 345 дона ўқ отиш қуроллари тортиб олинди, шу жумладан фақат қонунга хилоф равишда сақланган 200 дан зиёдрок, шулардан 55 таси жанговор, 6 таси эса қўлбола қуроллар бўлиб чиқди.

Улардан ташқари катта миқдордаги армия нусхасидаги турлича ҳарбий анжомлар ҳам аниқланиб тортиб олинди.

Аммо бизни ташвишга солаётгани қонунга хилоф равишда сақланаётган ўқ отиш қуроллари воситасида содир этилаётган жиноятлар ва фожиавий ҳодисаларнинг камаймаётганлигидир. Шу йилнинг ўтган 9 ойи бадалида 191 марта ана шундай жиноятлар ва

ҳодисалар қайд қилинди. Шулардан 37таси қотиллик, 30 та яраланиш, 105 та қароқчилик ҳужумлари ва безорилик ҳолларидир. Энг ачинарли томони, бу ҳодисаларда бегуноҳ болаларнинг қурбон бўлишидир.

Масалан, Сирдарё вилоятининг Комсомол районида шу йилнинг 22 июнь куни "Москва" номли паррандачилик фабрикаси ҳудудида жойлашган вагончада фожаия юз берди. 1979 йилда туғилган 5-сонли ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси Ш. Қутбиддинов 16 калибрли ов милтигини ўйнаб туриб, беҳосдан ўқ узиб юборади ва 10 ёшли Д. Холбековни кўкрагидан яралайди. Минг афсуски боланинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. У воқеа содир бўлган жойининг ўзида қурбон бўлди.

Жумҳуриятимизнинг бир қатор шаҳар ва районларида ички ишлар органлари ходимлари томонидан аҳоли орасида қурол сақлаш ва ундан фойдаланиш борисида тушунтириш ишлари кўнгилдагидек олиб бориляпти. Шунинг учун ҳам жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ихтиёрий равишда топширилган қурол-яроғлар сони 267 донага қисқарди. Бу борада Бухоро вилоятида аҳвол кўнгилдагидек эмас. Ихтиёрий тарзда топширилган қурол-яроғлар сони 96 тадан 18тага тушиб қолди. Жиззах вилоятида 59 дан 16 тага, Тошкент шаҳрида эса бу рақам 31дан 8тага қисқарди.

Яқинда вазирлигимиз раҳбарияти жойлардаги милиция идоралари ходимларига мазкур соҳада амалий ёрдам бериш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Шу боис ҳозирда тузилган тезкор режа асосида барча вилоятларда тажрибали ходимларимиз иш олиб бормоқдалар. Имомин комилки, ушбу тадбирлар ўз самарасини беради.

Ички ишлар органлари ходимлари мавжуд камчиликларни бартараф қилиш борисида қўлларидан келган барча ишларни қиладилар.

Кези келганда шуниси эслатиб ўтмоқчиман, агар фуқаролар ноқонуний ҳолда ёки белгиланган қоидаларга амал қилмай сақлаб келаётган ўқ отиш қуролларини кўнгилли тарзда, ўз ихтиёрлари билан ички ишлар органларига топширган тақдирларида, улар жиноий жавобгарликдан озод қилинадилар. Бу эса ўз навбатида қуроллардан беҳуда ўқ узилмаслигига кафолатдир.

**К. ТОШМУҲАМЕДОВ,**  
ИИБ жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги.

Ваҳоланки, ўша пайтда ўғирланган буюмлар клуб зинапоёси остида бўлган. Гилдиракларини ўғирлатган одам орадан икки ойдан кўпроқ вақт ўтгач (милиция гилдиракларни ҳам, ўғирларни ҳам топиб: "Мана бу нарсалар сизники эмасми, олиб кетинг", — демагунча) гўё ҳеч нима бўлмагандек, бепарво юраверган.

Билмадик, агар бу ишларга милиция тўсиқ қўймаганида охири нима билан якун топардикин?

Азиз биродарлар! Мол-қўйингиз, буюмингиз, бошқа бисотингиз йўқолса, қўл силтаб қўявермасдан, албатта милицияга хабар қилинг. Чунки арзимаган лоқайдлик нафакат ўзингизга, балки ўша ўғрилик кўчасига кирган еки кириб бораётганларга, қолаверса, бутун жамиятга тобора газак олаётган яра каби зарарлидир. "Молим кетди, садқаи сар" қабилида иш тутманг!

**М. ХОЛИМАТОВ,**  
Кўргонтепа райони ИИБ катта терговчиси, милиция капитани.  
**С. ҲАСАНОВ,**  
жамоатчи мухбир.

## "МОЛИМ КЕТДИ, САДҚАИ САР"МИ?

ола чиққанини еки ҳашаротга ем бўлаётганини сезиб қолса, албатта ишловни кучайтиради. Эртанги кунимиз эгалари бўлган болалар жиноятга қўл урсалар-чи? Қўни-қўшнилари ҳам, маҳалла-қуй ҳам, билган-хабардорлар ҳам, ва... ота-оналар ҳам негадир индамай қўя қолишни одат қилиб олган кўринишда. Ҳеч ким чурқ этмайдиган бўлиб қолган. Гўёки, "Туя кўрдингми? Йўқ!"

Агар мана шу лоқайдлик, мана шу бефарқлик бўлмаганида, эндигина 18 ешга тўлган уч йигитчанинг (ҳаммаси Кўргонтепа шаҳридан) боши эгилмаган, юзига қора чапланмаган, тақдирига тамга босилмаган бўларди.

ховлисига етаклаб кириб борганида эса уйидагилар Баҳодирнинг бир оғиз "сотиб олдим" деган гапига қаноат ҳосил қилиб қўяверишган. "Ҳой, ўғлим, пулни қаердан олдинг, кимдан олгандинг, ким сотди, қанчага сотди, ҳужжатлари қани?" — деган саволлардан бирортасини беришмаган.

Орадан бир ҳафта вақт ўтса ҳамки, негадир жабрланувчи — буюмини ўғирлатган кимса ҳам лом-мим демай юраверса. Ўрага сичқон тушди, гулдур-гуп. Мана сизга ўғри болаларнинг уруғи қаердан сув олаётганлиги.

Баҳодирнинг кўнглида бировнинг

— Фарход ака, бозор муносабатларига ўтиш даврида қўлга киритилган истиклол, айниқса сизларнинг — ИЖК ходимларининг зиммасига бошқаларникидан кўпроқ масъулият юклайди менимча. Ҳозирги ишларингиз ана шунга ҳамоҳанг деб айтса бўладими?

— Бу саволингизни ўзи айти пайтдаги вазиятни жуда тўғри баҳолайди назаримда. Эндигина атак-чечак қадам ташлаётган навихол мустақиллигимизни мустаҳкамлаш аслида ҳамма-ҳамманинг бурчи. Аммо эътироф этганингиздек, бу борадаги юкнинг кўпроқ залвори милиция, айниқса бизнинг хизматимизга тушади.

Кўпинча баъзи кишилардан “Мустақиллик, мустақиллик деймиз у аслида у бизга нима берди? Кундалик эҳтиёж молларини топиш ҳам қийин,” — деган гапларни эшитиб қоламиз.

Зукко кишиларга маълумки, бу қадар туш-кунликка тушиш ярамайди. Биз ҳали бозор муносабатларига тўлиқ ўтиб олганимиз йўқда. Ўтиб олсак, чин маънода дорилар кунлар келади. Одам умид билан яшаши керак.

Аммо бугунги кунда ҳамюртларимизга куруқ панд-насихат билан таскин бериб бўлмайди. Вақтида тақчиллиги қимматчиликдан фойдаланиб, чўнтак қаппайтириш ниятидаги кимсалардан меҳнаткаш халқимизни бутун чоралар билан ҳимоя қилишимиз даркор. Амалий ҳаракатлар зарур.

Шу йилнинг ўтган даври давомида ходимларимиз томонидан 1 минг 100 дан ортик ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар аниқланди. Яна ҳам ойдинлаштирадиган бўлсак, 243 марта халқ мулкни талон-тарож қилиш, 167 марта чайқовчилик, 12та порахўрлик, 297 марта харидорлар ҳақидан уриб қолиш, 190 марта ноёб молларни очик савдодан яшириш билан боғлиқ жиноятларни фош этдик.

— Аниқ мисоллар келтиришингиз мумкинми?

— Албатта мумкин. Аммо шу ўринда қисқалина изохим бор: кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолига ўзлари бириктирилган дўконлар орқали талон билан тарқатилиши ҳеч кимга сир эмас. Агар расамади билан тарқатилса, бу маҳсулотлар ҳаммага етади ва ҳозирги “дўконларда ҳеч нарса йўқ” қабилидаги гаплар ўз-ўзидан барҳам топади.

Лекин инсофу диенатни ютиб юборган, мўмай пул илнжиди шайтонни тоға дейдиган айрим савдо ходимлари ҳозирча бунга йўл бермаяптилар. Аммо қингир ишнинг охири вой. Охунбобоев районидagi Намуна матлубот жамиятида экспедитор бўлиб ишловчи Рустам Қодиров ана шу ҳақиқатни тушунмаган, тўғрироғи тушунишни истамаган кимсалардан бири экан. Нафсининг ўпқонлигини қарангки, 800 минг сўмлик молларни омборнинг ўзидан кўтарасига нақд пулга сотиб юборган. Ҳозир унинг устидан жиноий иш қўзғатилган.

Кўқон шаҳар озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли 43-дўкон сотувчиси Турғунбой Шокиров эса харидорнинг 139 сўм ҳақиға хиёнат қилган. Кўза кунда синганидан кейин эса, мана, юраги така-пука бўлиб юрибди. У ЖМнинг 177-моддаси 2-қисми билан жавобгарликка тортилган.

Фаргона шаҳридаги хўжалик ҳисобиди ишловчи II-дўконнинг 4-филиали сотувчиси Абдулазиз Мамадалиевнинг кўзлари ҳам кеч очилди. Бу “азамат” 71 минг 791 сўмлик камеб молларни кейинчалик “енг ичи”да сотмоқчи бўлган экан, ниятига етолмади.

Ёки Тошлоқ райони ИИБ ИЖК ходимлари томонидан очиб ташланган жиноятни олиб кўрайлик.

Катта оператив вакил, милиция капитани Турсунмурод Нурматовнинг айтишича, уларга Ахшак кишлоғи аҳолисида маълумот тушган. Милиция ходимлари бу иш билан жиддий шугулланиб, 13 июль кунини Тўқивой кишлоғида яшовчи, Фаргона шаҳридаги 2-автокорхонада ишлайдиган Адхам Нишоновни биринчи нарли, ҳар қопи 50 килолик унни беш юз сўмдан сотаётганда қўлга олишган. Унинг уйида тинтув ўтказилган ва 44 қоп ун ҳамда 57 минг сўм пул далилини ашё сифатида ИИБга олиб келинган.

Секин-аста унинг ҳамтовоқлари ҳам аниқланди.

Фаргона нон комбинати бригадир-экспедитори Убайдулла Шерматов Адхамга 100

қоп уннинг ҳар қопини 230 сўмдан пуллаган экан. Қарангки, мазкур комбинатга қарашли Ойбек номли нон ёпиш цехи мудирини Мавлудохон Воҳидова ҳам тушадиган мўмай даромаддан умидвор бўлган.

— Иқтисодий қийинчиликлардан тамоман ҳолис бўлиш тадбиркорликни талаб қилади. Аммо афсуски, бу борадаги имтиёзлардан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланадиган “ишбилармон”лар ниҳоятда кўпайиб кетди. Уларнинг фаолиятдан ҳамюртларимиз рози эмаслар...

— Бу табиий. Истеъмол бозорини хилма-хил буюм ва маҳсулотлар билан тўлдириш бўйича дастур ишлаб чиқиш, рўйхатдан ўтиб олгач эса кинп-қизил олибсатарлик билан шугулланаётган “ишбилармон”лардан ким ҳам рози бўларди дейсиз.

Ҳамма жойдаги каби бизнинг вилоятимизда ҳам бу борадаги аҳвол яхши эмас. Ўтибор беринг-а, вилоятда 1 минг 120 дан ортик кичик корхона, 590 дан ортик ширкат, 71 дан ортик воситачи дўконлар бор. Агар уларнинг раҳбарлари биринчи кунданок ўз жамоаларида тартиб-интизомни яхши йўлга қўйиб, халқ манфаати учун курашганларида ҳаммаёқ обод бўлиб кетарди. Ўзлари ҳам оч қолишмасди, кўпол қилиб айтганда.

Агар эътибор берсангиз, бу кичик корхонаю

уриш” деган ибора билан ифодаланадиган ҳол.

Қолаверса, текширувлар давомида бир қанча кичик корхона ҳамда ширкатлар давлат ҳисобига солиқ тўламай келаётганлиги ҳам очилиб қолди. Бизнинг аралашувимиздан кейингина давлат бюджетига 438 минг сўм солиқ пули тушди, десак бўлади.

— Кўқон, Фаргона, Марғилон каби йирик шаҳарлардаги катта кўчаларда хорижда тайёрланган кийим-кечаклару спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотларию резина сақичлар билан савдо қилувчи олибсатарлар фаолияти ривожланган. Куппа-кундуз кунини ҳам пешонангдан кўзинг борми, демай буюмларини ўзлари истаган нархда сотишади. Уларни тийиб қўйиш мумкин эмасми?

— Негизинда? Мумкин. Бунинг учун фақат астойдил курашиш керак ҳолос.

“Постда” газетасида ҳам Марғилон шаҳрида комплекс тадбир ўтказилганини ёзган экансизлар. Айтиб қўяй: шу тадбирнинг натижалари кўзга кўринарли бўлдида.

— Қани, эшитайлик-чи...

— Бу тадбирда ички ишлар бошқармаси ҳамда қўшни районлар ИИБлари вакиллари фаол иштирок этишди. Оқибатда Марғилон шаҳри кўчаларини сиз айтган текинтомоқ-чайқовчилардан тозалаб олдик. Молия бўлими ҳамда соликлар инспекцияси қайта нарх қўйиб

экан;

Абдулазиз Исоқов, 1948 йилда туғилган, Тошлоқ районидagi Октябрь кўчаси, 24-уйда яшайди. Японияда тайёрланган 1 минг 500 сўмлик рўмол билан қўлга тушди;

Миркомил Рустамов, 1954 йилда туғилган, яшаш манзилигоҳи — Марғилон шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 733-уй. “Атлас” корхонасида уста ёрдамчиси бўлиб ишлаётган бу йигит ҳалол маош билан тирикчилик қилишга қаноатланмаган. Ундан 1 минг 400 сўмлик эркаклар қўйлаги тортиб олинди.

Бу шаҳарни олибсатарлардан тозалаб олишда Марғилон ИИБ пост-патрул хизмати ротаси командири, милиция майори Рустам Абдуллаев, шу рота ходимлари — милиция старшинаси Олимжон Ёкубов, оддий милиционер Исмоилжон Тошмаков, милиция катта сержанти Нўмонжон Валиевлар хизмати катталигини алоҳида таъкидлагим келади. Кўрдингизми, кўпдан қуен қочиб қутилмас, деганлари шуда.

— Фарход ака, жамиятимизда шундай кимсалар ҳам борки, ташмачилик, чайқовчилик, ўғрилиқ қилиб ўтирмайди. Эгаллаб турган лавозимидан фойдаланиб, пора эвазига бошқа эгри қўлларга қараганда кўпроқ даромад орттиришади. Ўйлайманки, бу кабилар сизларнинг вилоятингизда ҳам бор...

— Борликка бор. Аммо уларга қарши курашиш жуда оғир. Негизинда ҳеч кимнинг манглайига порахўр деб ёзиб қўйилмаган. Гоят эҳтиёткорлик билан иш тутишади. Қолаверса, пора бераётганлар ҳам ҳатти-ҳаракатларини каттиқ сир тутишади, чунки пора бериш ҳам жиноятда.

Аммо кам бўлсада, бир-иккита мақтанса бўладиган фактларимиз бор.

Фаргона шаҳар ешларни соғломлаштириш маркази терапия бўлинмаси мудираси Мухаррам Хотамова справкага келаётганлардан 300 сўмдан минг сўмгача пул сўраётгани ҳақида маълумот олдик. “Медик” тадбири ана шу маълумотга асосан уюштирилди. Хотамова қанчалар устомон бўлмасин, опервакилларимиз Мухаммаджон Аҳмедов ҳамда Маҳмуджон Содиковлар маҳоратига тан берди. У политехника олий билимгоҳи иккинчи босқич толиби Абдурахмон исмли йигитдан 800 сўм пора олаётганда қўлга тушди.

Киргули райони ИИБ ИЖК оператив вакили, милиция катта лейтенанти А. Юнусов эса шу олий билимгоҳ ўқитувчисининг найрангини чиппакага чиқарди.

Абдусамд Ҳасанов мазкур билим даргоҳининг “Ҳисоблаш техникаси ва программалаштириш” кафедрасида лаборатория мудирини бўлиб ишлайди. Ўғли Мухаммаднинг ҳам олий маълумотли инсон бўлиб етишишини хоҳлайди. Аксига олиб фарзандида бунинг учун рағбат ҳам, билим ҳам йўқ.

Ота ўйлай-ўйлай бунинг-да йўлини топган: Кува районидagi Амир Темур номли 3-ўрта мактаб математика ўқитувчиси Ҳамидулла Ҳамрокулов билан тил бириктирган.

Ажабмаски, шундан кейин у кейин ўглини энергетика куллиети толиби сифатида тасаввур этиб, бир қоп севинган бўлса!

Ҳамидулла Ҳамрокулов “домла”нинг 5 минг сўм пули илнжиди кўрсатилган учта масалани тўғри ечди, тўғринчисини эса атайлаб нотўғри ечади.

Аммо орзудаги 5 минг сўм унинг чўнтагини қаппайтирмади, Абдусамд Ҳасанов эса педагог деган номини йиллар давомида орттирган обрў-эътиборидан ажралди.

Хуллас, иқтисодий жиноятчиликка қарши курашнинг барча жабҳаларида ўзимизга яраша ютуқларимиз бор. Аммо юқорида айтганимдек, ҳозир ютуқлардан мағрурланадиган пайт эмас. Фаолиятни янада кучайтирмоқ керак.

— Зеро халқимизнинг истаганиё мақсади ҳам шу. Бу йўлда сизларга фақат омад тилаймиз.

— Раҳмат.

Сўхбатдош Раҳмон АЛИ.



Очиғини айтганда, Фаргона вилояти ИИБ иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Фарход Ақромов билан “тил топишиш” осон кечмади.

Йўқ, уни калондимоғликда ёки газетамизни назарга илмасликда айбламоқчи эмасман. Аксинча: ўта камтар, камсўқум, аини пайтда “Постда”га ҳурмати бисёр киши экан. “Кейинроқ ёзарсиз, эришилган ютуқларга ошўфта бўладиган пайт эмас ҳозир”, — дейди.

ширкатларнинг ҳаракат дастури асосан кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, аҳолига маинший хизмат кўрсатиш, халқни истеъмол моллари билан таъминлаш, худди шунингдек қурилиш ишларига асосланган. Аммо ана шу тадбирларнинг охириги бўлимларига савдогарликни ҳам киритганларки, оёққа туриб олгач, бутун кучини шунга сарфламоқдалар.

Кичик корхона, ширкат ва бошқаларнинг фаолиятини ўрганиш жараёнида йил бошидан бери 27 та қингирликни аниқладик. Хўжалик ҳисобидидаги вилоят кичик корхоналар бошқармаси масъул ходимлари ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан давлатнинг 47 минг сўм маблағини ўзлаштириб юборишган. Ҳозир ЖМнинг 117-моддаси 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилган.

Дангара районидagi “Ўзбекистон” кичик корхонасида тафтиш ўтказилганда, товаршунос Мухаммаджон Мирбобоев жавобгарлигида бўлган қурилиш материалларидан 275 минг 450 сўмлик камомад чикди. Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

Марғилон шаҳридаги “Ойдин” ширкати сотувчиси А. Мамасиддиқов харидор ҳақидан 80 сўм ортиқча олиб қолган.

Кўқон шаҳрида савдо қилаётган Намангандаги “Гўзал” ширкати сотувчиси И. Муродов ўз фойдасига “атиғи” 360 сўмга “адашган”. Бу энди “ҳам бўйидан, ҳам энидан

беришди, улардан тортиб олинган 58 минг сўмлик спиртли ичимликларни дўконларда халққа соттирдик. Бундан ташқари тахминан 250 минг сўмлик саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини мўмай даромад ортидан қувган шахслардан мусодара қилдик.

— Ана шундай кимсаларнинг айримлари билан таништиринг унда.

— Марҳамат: Икром Эрматов, 1955 йилда туғилган, Бурхониддин Марғилоний кўчасидаги 193-уйда истиқомат қилади, ҳеч қаерда ишламайди. Савдо қилиш таъқиқланган жойда ушланган ва Хитой Халқ Республикасида тайёрланган қўйлақлар, еш болалар уст-бошлари, “Адиас” белгили курткалар — жаъми 10 минг сўмлик буюмлар билан ИИБга келтирилган;

Рохатжон Низомов, 1948 йилда туғилган, Янгиариқ кўчасидаги 32-уйда туради, ҳеч қаерда ишламайди, 2 минг сўмлик помбархут материални сотаётганда ушланди;

Феруза Абдуллаева, 1958 йилда туғилган, Киров кўчасидаги 15-уйнинг 13-хонадонида истиқомат қилади. Кўчада 500 сўмлик болалар кроссовкаси билан ноқонуний савдо қилаётган

СУРАТЛАРДА: эгриқўл кимсалар кўзини ўйнатиб, имонини ўғирлатган, охир-оқибатда ҳақиқий эгаларига етказилган моллар.

Суратлар муаллифи Анвар ҲАКИМОВ.



Китобда кимдан сўраманг, фикр олманг, район ИИБ ДАН бўлими бошлиғи Бахтиёр Турдиев фаолияти ҳақида илҳам қилибди. Айтишлари у гуноҳкорни дастлаб обдон текшириб ўрганади, сўнг айбига яраша жазолайди. Нега жазоланаётганини билган киши табиийки, фақат ўзидан домонгир бўлади. Астойдил тавба қилганларнинг ҳужжатини эса кечирим сўрашгач, кўп овора қилмасдан бериб юборишаркан. Ана шу гапларни орқаваротдан эшитгач, менда ғалати табиатли милиция ходими билан гаплашиш иштиёқи тугилди.

— Шу йил 1 июлдан кучга киритилган йўл ҳаракати ҳақидаги янги қонун бизга жуда катта имкониятлар яратиб берди, — деб сўз бошлади у. — Бироқ қондабузарлар ҳозирча қамалгани йўқ.

Янги қонуннинг бажарилиши талабчанликни тақозо этади, албатта. Биз бундан тўғри тушунган ҳолда автомашиналарнинг қорайтирилган ойналар билан юришига барҳам бераймиз. Бу масалада район раҳбарларининг ҳар томонлама кўмаги бизга мадад бўлмоқда.

— Қонунга атай амал қилмаётган калондимо ҳайдовчилар йўқми, ишқилиб?

— Афсуски учраб туради. 375-67 КФ рақамли автобус ҳайдовчиси Азамат Ҳамидов ана шундай кишилардан бири. У ДАН ходимини менсимай ўтиб кетган эди, ҳалк суди айбига яраша жазолади.

Яна шу кунни Абдували Эшонкулов ҳам ўз енгил автомашинасида кетаётганда ДАН ходимининг талабига бўйсунмаган, ҳатто назоратчини ҳақорат қилган ҳам. Оқибатда эса суд залида тавбасига

таянди. Тўғри, ундок қилдик, бундок қилдикми дейишу мисоллар келтириш жуда осон, бунини бошқа райондагилар ҳам айтиши мумкин. Бироқ бизда ҳам иш юзасидан айрим тушунмовчиликлар бўлиб туради. Районимиз ҳудуди катта, тагин тоғли жой. Гоҳида бирор ҳайдовчини йўлда

ҳомийларимиз ёрдам беришмоқда. Утган йили шаҳар ва район молия бўлиmlари 48000, бу йил эса Мусулмон Жўраев номи фермер хўжалиғи 20000, Китоб қурилиш ташкилоти 49000, таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси 18000, сув қурилиши идораси эса 30000 сўмдан

(ҳозирда Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи) ташаббуси билан ДАН ҳовлисида дам олиш уйи ва профлакторий қурилиши бошланган экан, иш ниятига етиб қолди. Тошкент-Термиз йўлидаги Тахтақорача довозида ДАН пости қуриш учун эса

— Сиз айтмоқчи бўлган даромадга шўнғисак, деҳқончилик билан шўғулланармидик. Қимирлаган қир ошади ҳозир. Бу ёғи қишлоқчилик. Томорча бор, мол-ҳол дегандек, етиб турибди. Ходимларимизнинг тўртта олий, биттаси тўлиқсиз, қолганлари ўрта махсус маълумотли, жиддий қондабузарлик қилаётганлар орамизда йўқ. Ўзим эса район кенгаши ноибман. Новқот қишлоғини газлаштиришни зиммамга олганман. Қиламан дейиш осон экан, амалда эса...

— Бахтиёр ака, давлат идорасини шу қадар ясагит қўйибсизлар, яна икки гектар боғини ҳам ҳовлига қўшиб олиб оқиб қўйибсизлар. Бу ўзидан-ўзи бўлмайди, албатта. Кечирасизу, мабодо бошқа ишга юборишса, қилган меҳнатларингиз зое кетгандай бўлмайди?

— Йўқ. Чунки мен умримни бекор ўтказишни ектирмайман. Шу ишларни қилмасамда фурсат ўтарди. Қолаверса бировдан заррача кам бўлмай, қимтинмай яшагига нима етсин. Амал ҳам, ноиблигига катта даврада ўтиришларнинг ҳаммаси унут бўлади. Қийналганда бировга елкадош, унинг дардига малҳам бўлдингми — ҳамма умр мазмунини ана шунда. Чунки, мен милицияга қимгадир пўпса қилишу асабга тегиш учун ўтганим йўқ. Юртимиз тинч, номимиз бутун, меҳр-оқибатли бўлайлик, қолгани топилади.

— Ташаккур. Фарзандларингиз бахтига омон бўлинг.

Сўхбатдош  
Абдунаби ЭРГАШ ўғли.

## Юрт тинч бўлса, йўл тинч...

тўхтатамиз, у ичган бўлса бу жой марказга узоқ бўлса ана унда томошани кўраверинг. Ҳайдовчи ичганим йўқ, дейди, сиз ичган дейсиз, ҳулосани эса фақат Шаҳрисабз шаҳридаги наркология диспансери беради. Аксига олиб айбдорни олиб бориб текширтгани транспорт тополмаймиз. Бир маст ҳайдовчи учун қанча оворагарчилик бўлади. Бунинг ўрнига ҳайдовчини шифокорлик маълумотига эга бўлган ҳар қандай қишлоқ амбулаториясида ишловчи киши текшириб, ҳулоса бераверганда эди, биз ҳам бир ташвишдан қутилган, кимнингдир машинасида ҳуда-беҳуда фойдаланмаган бўлардик.

— Сизларда қадрлар масаласи қандай ҳал этилган?

— Албатта, яхши ишлаш учун, батариб жамоага эга бўлиш керак. Илгари собиқ иттифок даврида ходимларимизни турли шаҳарларга малака оширишга юборар эдик. Ҳозир имкон йўқ.

— Пул йўқдир-да.

— Гап маблагга эмас шекилли. Шунга бош-қош бўлишни ҳеч ким зиммасига олмапти, чоғи. Бўлмаса маблаг йўқ деб нолаймиз,

қўмаклашишди. Қолаверса жамоамиз ҳам фақат кўчада "қоровуллик" қилиб, давлатимиз қачон бизни таъминлар экан деб, қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Идора ҳовлисидаги майдонга саримсоқ пнэз экиб, уч тоннадан зиёд ҳосил олдик. Ўрнига кечки боднинг экдик. Шу махсулотни сотиб, ўрнига хизмат-машинаси харид қилиш ниятидамиз.

— Нима, сизларда хизмат машинаси йўқми?

— Ишонмаяпсиз-а? Ростдан ҳам ДАН бўлимази ишини автомашинасиз тасаввур этиш мумкин. Начора. Лекин айрим ташкилотларга ҳуда-беҳуда хизмат автомашинаси бериб қўйилганини кўргач, ғашинг келаркан. Бундан ташқари тезликни ўлчайдиган "Барьер-2" аппарати ҳам алмисокдан қолган, пойтахтга бориб, икки марта созлатиб келинди, тагин бузилди. Ходимларимиз бўлса уч йилдан буён янги кийим-бош олишолмайди. Йўлларни чизиш учун бўёқ топаман деб ҳам қайсидир идора раҳбарининг олдида сарғайишга тўғри келади. Шукрки, ўз вақтида собиқ бошлиғимиз, милиция генерал-майори Насриддин ака Исмоилов

маблагни район ҳокими Абдурахмон Ашуров топиб берди.

— Ташкилотлар пул бераётган экан, пайти келиб улардан тилингиз қисқиб бўлиб қолишдан чўчимасизми? Ахир, худди шу ташкилотларда ишлайдиган ҳайдовчилару, раҳбарлар йўл қондасини бузиши, ичиб кўчага чиқиши мумкин-ку?

— Тўғри, аммо биз улар билан бир қўришиб кейин учрашмайдиган кишилар эмасмиз. Кўз-кўзга тушиб тургач, қонда бузишга, аввало, уларнинг ўзи уялишади. Бунинг устига фалокат, автофожа қанча кам бўлса, уларга ҳам яхши. Умуман, улар берган пулга идорамиз ҳовлисида бекордан-бекорга автошаҳарча қураётганимиз йўқ. Райондаги барча ўқув маскаларидан ўқувчи болаларни навбатма-навбат олиб келиб, йўл ҳаракати қоидаларини пухта, амалий жараёнда ўргатмоқчимиз.

— Бахтиёр ака, яна бир ғалати савол. Кўпчилик ДАН ходимлари маоршга қараб ўтиришмайди, жарималарнинг ўзиёқ уларни боқадилар, дейишади. Сиз бунга нима дейсиз?

ҚИЗИҚИБ кўрсам, шу йилнинг ўтган даврида Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси қотибиятига фуқаролардан салкам ўн мингта яқин хат келиб тушган экан. Буларнинг ичида ҳар хил илтимослар, аризалардан тортиб, милиция ходимларига хизматлари учун ташаккурларгача бор.

Зангиота районидаги Эшонгузар қишлоғида истиқомат қилувчи Муқкарам Тожитдинов ўз хатида эрдан тул қолганини, эри Бахритдин Тожитдинов 1981 йилда вилоят ички

Ниезов билан бирга унинг шериклари С. Сапаров, М. Суюбоев ва Ш. Умаровлар ҳам ўғрилиққа киришгани, лекин қоровуллардан қочиб қутилишгани аниқланган.

Бу жиноят иди Тошкент вилояти ҳокимияти ИИБ ТБ терговчиси, милиция катта лейтенанти Тоҳир Шоназаров ва терговчи, милиция лейтенанти Тўраов Ростаевларга топширилганидан сўнг, жиноят қидирув бўлими ходимлари билан ҳамкорликда кўп нарсалар аниқланди.

1992 йил январь-март ойларида муқаддам судланган фуқаро С. Сапаров атрофига танишлари М. Суюбоев, М. Абдурахмонов, А. Эргашев, А. Абдурахмонов, У. Ниезов ва Ш. Умаровларни уюштирган ҳолда, Юқори Чирчиқ ва Паркент районлари ҳудудида жойлашган бир қанча дала ҳовлиларга ярим кечалари боришиб, уларнинг эшик ва деразаларини бузиб киришган ва у ердан фуқароларнинг шахсий мол-мулкларини ўғирлаб, талон-тарож қилиш билан шўғулланганлар. Жумладан, 1992 йил февраль ойининг охиридаёқ фуқаролар Т. Шевченко, И. Абдурахмонов, А. Раҳимов, Р. Тожиев ва бошқаларнинг Паркент райони "Прогресс" давлат хўжалиғи ҳудудида жойлашган дала уйларида шахсий мулкларини ўғирлаб кетишган.

Дастлабки тергов даврида айбланувчиларнинг уйларида ва улар бошқаларга сотиб юборган 200дан ортқ буюмлар далилий ашё сифатида олиниб, ўз эгаларига — жабранувчиларга қайтарилган. Иш бўйича С. Сапаров бошчилигидаги жиноий гуруҳ 50 дан ортқ жиноят содир қилиб, фуқароларнинг 110 минг сўмдан ортқ нархдаги шахсий мол-мулкларини ўғирлаб кетишгани аниқланди. Дастлабки тергов даврида айбланувчиларга Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 125-моддаси 3-қисми, 133-моддаси 1-қисми, 85-моддасида кўрсатилган айблар қўйилган.

1992 йил 17 октябрь кунин Юқори Чирчиқ райони халқ суди томонидан бу иш кўриб чиқилиб, С. Сапаров 8 йилга, қолганлари 6 йилдан қозоқликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарилган.

Зуққолик ва тезкорлик билан дала ҳовлиларда содир этилган талончиликнинг изига тушиб, уларни очган, ўғирланган молларни эгаларига етказиб берилишида бош-қош бўлган милиция ходимларининг хизматларини билдириш учун хат шахсий таркиб ўртасида ўқиб эшиттирилди.

Умуман хатлар кўп. Лекин илҳам сўзларни ўқиганда, кўнглинг қувонгача тўлиб кетар экан, чунки милиция ходимининг оғир меҳнатини ҳолис баҳоловчи фуқароларимиз борлигидан фахрланасан киши.

**М. МИРСОВУРОВ,**

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ШТИХХ бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги.

ҲАДЕМАЙ янги кунга қадам қўйилади. Ишқилиб бу кун хайрли келсинда. Тонггача эса ҳали вақт бор. Машхур зулматни ёриб бораётган машина чироқлари нурида атрофга боқаркан, маънос тортди. Дарахларнинг сарғайган япроқлари чироқ нурида қандайдир ғариб қўринарди. Белгиланган постгача анча бор. Бироз мудраб олсамикан. У ўриндикқа бошини ташламоқчи

қотилларга қўл келганди.

Машхур қувиш бефойда эканлигини англади. Эндиги вазифа тезроқ ИИБга ҳабар бериш эди.

Чирчиқ шаҳар ИИБга мазкур қотиллик ҳақида маълумот тушиши билан ИИБ бошлиғи В. Оқель раҳбарлигидаги оператив гуруҳ воқеа жойига етиб келди.

Қотил шахсини, "УАЗ" белгили машина кимга, қайси ташкилотга

оғирлик қилгандир. Қонхўрлар уни шатакка олиш учун уллов қидиришга мажбур бўлдилар. Топдилар ҳам. Шатакка олинаётган вақтда эса...

— Эртаси куниек жиноятчилардан бирини ушлашга муваффақ бўлдик, — дейди ушбу қотиллик бўйича бевосита шўғулланган ЖКБнинг катта оператив вакили, милиция майори Шота Алексеевич Тандилов. — Шуниси ажабланарлики, бундай қабиҳ жиноятга қўл урганларнинг барчаси (улар 5 нафар) ешлар бўлиб (бири хатто балоғат ешига етмаган), илгари судланмаганлар. Бироқ шу даражада разиллик, қабоҳат ботқоқига кўмилганларки... Беозор одамга сасиз-сабасиз пичоқ уриш... Қачон улгуришган экан буларни ўрганишга, ақл бовар қилмайдилар.

Аммо жиноятнинг илпидан-иғнасиғача пухта режалаштирилганини, ҳар кимнинг вазифасини аниқ тақсимланганини, маълум пайтда, маълум муҳитда амалга оширилганини ҳисобга олсак, уларни ақлий жиҳатдан мажруҳ деб бўлмайди. Ҳозирги ота ўз боласи билан чиқиша олмаётган бир пайтда уларнинг баҳамжиҳат иш туттишлари ҳам ақлий заифликка даъво қилмайди. Яна шуниси қизиқки, бир соҳада ишлаётган икки олимнинг фикри бир экдан чиқмаслиги мумкин, бироқ оддий, ўқимаган, ақлий меҳнат у екта турсин, ижтимоий фойдали меҳнат билан шўғулланмайдиган, турган-битгани зарардан иборат шахсларнинг фикри бир жойдан қиқишга нима деса бўлади? Бу номунасосиблик ва зиддиятларнинг тугунини ечиш учун балки бошқа қандайдир кўринмас бошқарув тизимини ўрганиш лозимдир. Балки шу йўл орқали ҳаёт оқими меъерланиб турар. Ёки... Келинг яхшиси яна жиноятга қайтайлик.

— Мен унинг юрагига (аҳамият беринг-а, "юрагига" сўзига) пичоқ ураётган вақтимда ҳам, у оҳ-воҳ қилиб зорланаётган пайтда ҳам ҳеч қандай ачиниш ҳиссини сезмадим, — дейди қотиллардан бири терговда. Бироқ фақат ачиниш ҳиссидан бегоналаргина жиноятга қўл уради, дейиш ҳам нотўғри.

— Ўлдирганимиздан олдин унга раҳмим келди. Бироқ ўртоқларим олдида қўрқоқлик қилгим келмади, — дейди гуруҳнинг иккинчи аъзоси.

Улар бири шафқатсизлигидан, иккинчиси "ботирлигидан", учинчиси яна нимадандир руҳланиб, кимнингдир умрини ҳазон қилдилар. Терговда мазкур гуруҳнинг бошқа жиноятлари ҳақида ҳам маълумотлар юзага чиқмоқда. Тўғри, епиглик қозон епиглигича қолавермайди. Улар аниқланиб, шуларга яраша жазо ҳам тайинланади. Лекин бир беозор, ҳаёт ташвишлари билан юрган одамнинг ҳаётини, умр йўлини нега малъунлар белгилаши керак экан! Нима учун инсон тақдирига нуқтани улар қўйишлари керак!!! Нега охириги сўзини улар айтишлари керак!!!

**М. ИБРОҲИМОВА.**

## ИККИ ХАТ, ИККИ ВОҚЕА

ишлар бошқармасига қарашли 1-сонли қабул қилиш-тақсимлаш муассасасида милиционер бўлиб ишлаб турганида, 33 ешида жигар рақидан вафот этганлигини, фарзандлари — ўғли Зухриддин 476-сонли махсус кўча механизациялашган колоннада ишлашини, қизи Зиеда махсус техника билим юртида ўқишини, у шу йил ўзи ишлаб турган ювелир заводидан қисқартириш туфайли ишдан бўшаганлигини баён қилгач, уйини милиция ходимининг оиласи бўлгани учун текинга ҳусусий мулк қилиб ўтказиб беришни сўрайди. Хатни ўрганиб чиққач, раҳбарият унга бу муаммо ижобий ечимга эга эмаслигини, ҳозирча милиция ходимларига, уларнинг оилаларига уйлари ҳусусий мулк қилиб текинга ўқазиб олиш ҳуқуқи берилмаганлигини баён этган жавоб хати йўллаб, вилоят ички ишлар бошқармаси қошидаги Хайрия жағмармасидан бироз пул ердами берилди.

Юқори Чирчиқ районида жойлашган "Дорожник" бог-узумчилик хўжалигининг бир гуруҳ аъзолари бошқарма раҳбариятига хат йўллаб бошқарманинг катта терговчиси, милиция катта лейтенанти Тоҳир Шоназаров, терговчи, милиция лейтенанти Тўраов Ростаевларга миннатдорчилик билдириб қўйилишини илтимос қилишган. Хатни ўрганиш даврида аниқланишича, 1992 йил 12 мартга ўтар кечаси Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ районидаги Курсой қишлоғи яқинида жойлашган "Ширин" номи дада ҳовлилари қоровуллари фуқаро С. Гуломовнинг дала уйига ўғрилиқ қилиш учун кирган шахсларнинг бирини (У. Ниезовни) жиноят устида ушлаб олишади. 12 март кунини ушбу факт бўйича Юқори Чирчиқ райони ИИБ тергов бўлими маси терговчиси томонидан жиноят иши кўзгатирилган. Кейинчалик, дастлабки тергов даврида маълум бўлишича У.

МУҚИМ ЯШАШ жойининг тайини бўлмаган кишилар — дайдилар тўғрисида ҳозирги кунда кўп гапирилмоқда ва ёзилмоқда. Газета ва журналларда чоп этилган мақолаларда асосан инсоний турмушга қайтишларида уларга ёрдам бериш керак, зеро бир вақтлар ҳаёт улардан юз ўгирган эди, ҳозир эса уларнинг ўзлари жамият қонунларини тан олмай, ўз ҳолларида яшашмоқдалар, деган фикр илгари сурилмоқда.

Жулдирвоқи, исқирт, кўзлари олазарак кишига бир томондан раҳминг келса, иккинчи томондан унинг ёнидан тезроқ ўтсам дейсан. Йўловчилар уларнинг қўзилган қўлларига садақа тўтқазибди — да, шошилганларича ўз йўллари равона бўлишади. Дайди қаерда ухлаши, нима тановул қилиши ҳақида ўйламаймиз ҳам, бу тегишли идораларнинг иши деб ҳисоблаймиз. Лекин, ҳаёт кўрсатишича, дайдилар билан ички ишлар идоралари ходимларидан бошқа ҳеч ким жиддий шуғулланмас экан. Тошкентда бундай кишилар учун қабул қилиш-тақсимлаш муассасаси бўлиб, у ерга жамоат жойларида ушланган дайдилар келтирилади. Бу одамлар паспортлари ва доимий иш жойлари йўқлигига, шоҳ бекатлар, аэропортлар, ертўлаларда яшашларига қарамай, қабул қилиш-тақсимлаш жойларига боришни унчалик истамайди, ҳолбуки бу ерда улар маълум муддат ётоқ ва емиш билан таъминланган бўладилар. Эркин яшаш истаги кучлилик қилади. Дайдилар гадоичиликдан ташқари ўғирлик, баъзан бундан ҳам оғирроқ жиноятга қўл урадилар.

Бу кишилар жамиятга халақит беришади.

Тунги Тошкент кўчаларига 11та экипаж чиқди. Бизнинг экипаж раҳбари ЖТМКБ назоратчиси, милиция катта лейтенанти Абдулазиз Иброҳимов эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, дайдиларнинг кўпчилиги темир-йўл шоҳ бекатларида бўлишади.

...Милиция кийимидаги кишиларга кўзлари тушган хароб кўринишдаги эркек ва аёллар ўзларини чиқиш томонга ташладилар. Қўллариди деярли ҳеч қандай нарсалари йўқ. Милиция ходимлари йўлларини тўсганда баъзилари унсиз тўхтайдилар, айримлари секин сўкинганича автобус томон юришади.

— Мени нега ушладилар? — дарғазаб бўлди бир аёл. — Ўттиз кундан бери ҳаммомда бўлганим йўқ. Ювингани кетаётган эдим, сизлар бўлса ушлаб, халақит бераёсиз.

Орқа ўринидан дайдиларнинг кулгиси эшитилди:

— Нима қилибди, Игнатъич, аёл киши, ҳаммомга боришига рухсат берақолинг, унинг балки совуни ҳам бордир.

— Совун топаман, чиптаси чатоқ. Нега куласизлар. Э, боришлар-э, — аёл тундлашганича жимиб қолди.

Игнатъич — Тошкент ИИБ

қабул қилиш-тақсимлаш муассасасининг меҳнатдан фойдаланиш назоратчиси, ички хизмат майори Иван Игнатъевич Гайдаш — аёлга тикилиб қаради.

— Катя, сенмисан? Уч кун олдин ишдан қочиб кетувдинг, шекилли. Яна қўлга тушибсанда, — деди кулимсираб у.

Майор ушбу муассасада анчадан бери ишлайди. Шунинг учун «тошкентлик» дайдиларнинг кўпчилигини танийди, ҳатто исмларини ҳам билади. Дайдилар ҳам унга юқоридагидай — Игнатъич деб мурожаат қилишади. Қабул қилиш-тақсимлаш муассасаси «меҳмонлари»нинг 30-40 фоизи бу ерга мунтазам келтирилиб турувчи одамлар.

бирданига гижимланган бир парча қоғоз узатди.

— Мана, қаранг, мен ишлайман.

Гайдаш қоғозга кўз югуртириб, кулди.

— Ҳа, бундай «хужжат» билан фақат бизникига бора оласан. Кетдик.

Одамлар оёғи остида қолавериш, қорайиб кетган ресторан ҳисоб қоғозини дайди аёл хужжат деб кўрсатган экан.

Тонгга яқин қабул қилиш-тақсимлаш муассасасига етиб келдик.

Экипажлар «йўловчилари»ни бошлиқнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, милиция капитани Аҳмад Муҳаммаджонов қабул қилиб оларди. Дайдилар билан савол-жавоб қисқа бўлди.



## У КИМ — ДАЙДИМИ ЁКИ?..

Тошкент — нон шаҳри, устига-устак иссиқ, шу сабабли дайдилик қилганлари учун маъмурий жазони ўтаб бўлгач, деярли ҳеч ким бу ердан кетмайди ва охир оқибат яна шу муассасага тушади.

— Мени қўйиб юборинглар, — деди бир киши. — Дайди эмасман, уйга кетишим керак.

Уни маст ҳолда шоҳ бекатда қўлга олишган экан. Ҳозир анча ўзига келиб қолганди. Паспорти текширилганда Тожикистоннинг Норақ шаҳриданлиги, Ангренда ишлашлиги маълум бўлди. Уни поезди келишини кутиш учун шу ерда қолдиришди. Шундан сўнг дайдилар ўтирган автобус аэропорт томонга йўл олди.

— Тўхтачи, — деди кўчаларнинг бирида Гайдаш, — бу ерда муштлашиш бошланаётганга ўхшайди.

Милиция ходимлари машинадан тушиб, тўпланиб турган бир гала ёшлар ёнига боришди ва кўп ўтмай икки йигит билан қайтиб келишди. Агар дайдилар тинчгина ўтиришган бўлса, бу иккиси аксинча, милиция ходимларини ҳол-жонларига қўйишмас, баланд мартабали қариндош-уруғларининг номларини айтиб, дўқ уришарди. Мажаро безориларни Яккасарой райони ИИБ навбатчи қисмига топшириш билан тугади.

60 ёшлар чамасидаги киши ҳам бутун йўл давомида сўкиниб келди. У Пскент районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида яшар экан. Йўл-йўлакай уни Миробод район хўшёрхонасига ташлаб ўтишди.

Дайдилар милиция фақат ёнида шахсини тасдиқловчи хужжат ёки иш жойидан қоғози бўлмаганлариникига олиб кетишини яхши билишади. Жунбушга келган бир аёл чала-чулпа қоронғуликдан фойдаланмоқчи бўлгани ёки хаёлига бошқа гап келгани,

— Фамилиянг?

— Астахова, — жавоб қилди ёшлигида гўзал бўлганлиги ҳали ҳам сезилиб турган кекса аёл. Кейинчалик капитан тушунтириб берди: у олий маълумотли шифокор бўлган, ичкиликка берилиб кетгач, уйдан ҳайдаб юборишган, ҳозир яшайдиган жойи йўқ. Бу ер бемалол, ўзига ўхшаш дайдилар ўлдириб кетишларидан қўрқмай бир ой истиқомат қилиши мумкин бўлган ягона жой.

Ҳамма бу одамларга раҳм қилиш кераклиги ва улар тўғрисида раҳмхўрлик кўрсатиш лозимлиги ҳақида гапирди. Шаҳар ҳокимияти қачонлардир тунаш уйи қуриш масаласини кўришга киришган эди, лекин ҳеч қандай қарорга келинмади. Мавжуд қабул қилиш-тақсимлаш муассасаси 450 кишига мўлжалланган. Бу жуда кам. Қиш даврида бу ерда 500 га яқин киши маъмурий жазосини ўтайди. Жазо шартли тушунча. Чунки дайдиларни бу ерда овқатлантирадилар, ётадиган жойлари тайин, шунинг учун кўпчилик совуқ пайтларда мазкур муассасада бўлишни афзал қўради.

Дайдиларга оғирлиги, улар ҳам инсон боласи эканлиги ҳақида кўп гапирилганини айтдик. Лекин қабул қилиш-тақсимлаш муассасасида ишлайдиган ички ишлар ходимларига ҳам осон эмас. Энг аввало шунинг учунки, дайдилар орасида сил, таносил касалликлари билан оғриганлар кўп. Одамлар кўздан нарироқ бўлиш учун улар ахлатхоналарда, ифлос ертўлаларда яшаши ва янги келтирилган дайдиларни эрталаб биринчи марта ҳожатга олиб чиққанларида таралаётган бадбўй ҳиддан ўрганмаган одам ҳушидан кетиб қолиши мумкин. Зарарли шароитда ишлайётганлари учун ходимларга 30-40 сўм миқдорида қўшимча ҳақ

тўланади.

Қари дайдилар — яна бир муаммо. Бирор жойга ўрнашишса уларнинг ўзлари ҳам хурсанд бўлар эдилар. Лекин қариндошлари улардан аллақачон воз кечишган, шифохоналар қабул қилмайди, қариялар уйларида жой йўқ. Ҳаётлари поёнига етиб қолган бу кишилар ёрдам оладиган ягона жой бу қабул қилиш-тақсимлаш муассасасидир. Лекин бу ерда ҳам улар маълум муддат бўлишлари мумкин. Ундан кейин яна кўча.

— Бундай рейдларни ўтказишдан мақсад, — дейди С. Эшчонов, — биринчидан, шаҳарни дайдилардан тозалаш, иккинчидан, улар орасида яшириниб юрган жиноятчиларни топиш, учинчидан, касалларни аниқлаш. Бугун 11 экипаж дайдиликда гумон қилиб, 82 кишини қўлга олди, улардан 44 нафари қабул қилиш-тақсимлаш муассасасига жойланди. Бир ой давомида улар шу ерда яшаб, ишлашади. Ушланганлар орасида қидирувда юрган жиноятчи аниқланди. Яқинда ушбу муассасанинг жиноят-қидирув бўлинимасининг катта оператив вакили, милиция катта лейтенанти Болакиши Гажиболаев дайди томонидан содир қилинган жиноятни очди. Жиноят қотиллик эди. Дайдилар орасида бундайлар кам эмас. Суриштирув катта назоратчиси, милиция капитани Раия Мифтахова, унинг ҳамкасби милиция катта лейтенанти Юрий Виноградов, милиция катта сержанти Каримбой Жуманиезов ва унинг ўртоқлари Соипназар Қораев билан Эргашбек Юсуповлар ҳам энг тажрибали ходимлардан. Фақат мазкур йилнинг ўзидагина улар томонидан бир нечта қотиллик, бошқинчилик, ўғирликлар фот қилинди. 9 ой мобайнида мазкур муассасада Россия, Қозғистон, Тожикистон,


Қирғизистон ва Кавказдан келган 700га яқин дайди «меҳмон» бўлиб кетди. Ўз республикамиздан чиққан дайдилар ҳам анча. Уларнинг кўпчилиги бу ерга иш қидириб келадилар-да, охир-оқибат дайдига айланиб қоладилар. «Панельная» (улар қабул қилиш-тақсимлаш муассасасини ўзларича шундай деб аташади) улар ҳақида раҳмхўрлик қиладиган ягона жой.

Лекин милициянинг ёлғиз кучи билан бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Бу борада кўпчилик бир бўлиб қатъий чора-тадбир кўрмоқ керак.

С. МИЛУШЕВ.

Суратларда: (юқоридан ўнгга) Худо бергани билан тамадди қилиб олайлик; (пастдан чапда) Самарқанд вилоятилик Олим Абдурасулов бу йил ўзининг етмиш йиллигини нишонлаши мумкин эди. Лекин дайди бу ҳақда ўйлаётгани ҳам йўқ. У билан қабул қилиш-тақсимлаш муассасаси жиноят-қидирув бўлинимасининг катта оператив вакили, милиция катта лейтенанти Болакиши Гажиболаев суҳбатлашмоқда; (пастдан ўртада) бугун бу дайдиларнинг ётоғи ҳам, емиши ҳам бор; (пастдан ўнгга) 1956 йилда туғилган Валентина Юхненко эски шаҳарда ушланган. У кўпдан бери дайдилик қилади. Бунинг учун 1985 йилда жиноий жавобгарликка тортилган эди; наманганлик Носир Умаровнинг умри дайдиликда ўтмоқда, бир неча марта судланган. Тошкентда 1983 йилдан бери яшайди.

Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.



## Жаҳон адабиёти хазинасидан

МЕН, УЗОҚ вақт унга тикилиб турдим. Лекин у зўр бериб, кўзини олиб қочарди. Бу мени тинчлантди. Сигарет тутатиб, ҳикоямни бошладим. Гонконгда бошдан кечирганларимнинг ҳаммасини айтиб бердим. Фақат Стелла тўғрисида, у билан бирга Нью-Йоркка келганимиз ҳақида индамадим. Уша ерда хайрлашдик. У билан ажрашгим келмасди, афтидан унинг ҳам мен билан хайрлашгиси йўқ эди. Лекин уни ўз ташвишлари кутаётган бўлиб, бизнинг дўстлигимиз уларга мос келмасди. У менга яхшилиқ қилди, мен ҳам яхшилиқ билан жавоб қайтардим. Янги ҳаёт бошлаш учун дастлабки харажатларга икки юз доллар бердим. Жефферсоннинг пулларидан эмас, ўз ёнимдан бердим. У менга маъюсина жилмайди ва шу билан хайрлашдик. Афтидан бир умрга бўлса керак.

Ҳикоямни тугатганимча Ретник икки донга сигарани чекиб бўлди. Гапларим тамом бўлгач, ёш полициячига кўрсатмаларимни машинкалашди, у чиқиб кетгач, Пальскийга айланиб келишни буюрди.

— Биз ҳамон у сариқмашак маймунни нима учун отиб ўлдиришганларини билмаймиз, тўғрими?

— Тўғри, билмаймиз.

— Итнинг боласи Жефферсонга ўғли гиёҳванд моддалар билан қаллоблик қилганини айтатганингда сенинг пўстингда бўлишни истамасдим.

— Менинг пўстинг сenga ҳеч ҳам тўғри келмайди.

— Биз тобутни очиб кўришимиз керак, — Ретник учинчи сигарани тутатди. — Бу қарияга ёқмаса керак деб ўйлайман.

— Нега энди. Тобутда ётган унинг ўғли эмаску?

— Тўғри, — Ретник ўйланиб қолди. — Бу тез ва шовқин кўтармасдан қилинган маъкул. Қариядан розилик олинса яхши бўларди. Чунки, оилавий хилхонани очишимизга тўғри келади.

— Рухсат оламан.

— Газеталар бундай воқеаларни яхши кўришади, — Ретникнинг афти тундлашди. — Шовқин кўтаришади.

— Ҳа-а.

У ўйланиб қолди, сўнгра сигаретдонини чиқариб, менга узатди.

— Сигара чекишим мумкин эмас. Ўпка раки билан касалланишга мойиллигим бор.

— Ҳм... Эсимдан чиқибди, — Ретник сигаретдонини силаб қўйди. — Кўнгилсизликлар бўлишини истамайман, Рейн. Умидим сендан. Кўмишга рухсат беришимдан аввал тобутни текшириб кўриш керак эди.

— Кеч кирган ақл тўғрироқ бўлади.

— Ҳа.

Орага узоқ сукунат тушди. Мен ўрнимдан турдим.

— Мистер Жефферсон билан гаплашиб кўраман.

— Кўнгирик қилишингни кутаман. Унинг розилигини олишинг биланоқ тобутни очаман.

— Яхши.

— Ёдингда тут, Рейн, полицияда доим тил топишининг мумкин бўлган дўстинг бор. Шунинг эсиндан чиқарма.

— Агар сен мени ёдингда турсанг, мен ҳам сени эсимдан чиқармайман. Келишиб кетамиз, тўғрими?

Кўчага чиқиб, ҳар хил шубҳалар остида машинага ўтирдим. Сигарет тутатганимча ўйланиб қолдим. Аввал идорамга бориб, у ерда ҳеч нима рўй бермаганига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлдим. У ердан Жанет Вестга кўнгирик қилиб, чол бугун мени қабул қила оладими ёки йўқлигини билишни мумкин.


Ўз қаватимга кўтарилиб, эшикни очатганимда

котибасига нималарнидир ёздираётган Жей Вейднинг овози эшитилиб турарди. Ерда ётган бир даста хатларни олиб, чанг босган столга иргитдим. Ҳаво димиқиб кетган эди, деразаларни ланг очишга тўғри келди. Вейднинг чиройли овози яққол эшитилиб турарди. У ёпишувчан плёнка жўнатиш ҳақида хат ёздираётган эди. Бирпас қулоқ солиб турдим-да, сўнгра курсига ўтириб хатларни қараб чиқа бошладим. Учасидан бошқаси ҳеч кимга кераксиз қандайдир кўрсатмалар эди.

Ж. Вильбур Жефферсоннинг манзилгоҳига кўнгирик қилдим.

## ГОНКОНГДАН ЖЎНАТИЛГАН

## ТОБУТ



Тунд хизматкор кимлигимни сўради. Номимни айтдим. Бир оздан кейин Жанет Вестнинг овози эшитилди.

— Мистер Жефферсоннинг котибаси гапираяпти. Бу мистер Рейнми?

— Ҳа, — Тасдиқладим мен, — Мистер Жефферсонни кўрсам бўладими?

— Албатта. Бугун соат учда кела оласизми?

— Бораман.

— Бирор нарсани аниқлай олдингизми? — Овозидан хавотирланаётганини ҳам, ташвишланаётганини ҳам билиб бўлмасди.

— Бораман, — дея трубкани қўйдим.

Соат йигирма дақиқаси кам бир эди. Қорним ўлғудай оч. Пасадемага келганимдан сўнг Гонконгни соғина бошладим. Хитой таомлари етишмаётган эди. Спарроунинг ҳар доимги сендвичлари иштаҳа оча олмасди. Лекин қорин ўзиникини талаб қилаётганди. Жефферсонга нималарни айтишимни хаёлимдан ўтказганимча, рўпарадаги емакхонага тушдим. Йигирма дақиқача Спарроун хитойлик ёшгина қизлар ҳақидаги уйдирмалар билан роса тўйдирдим. Хитой таомларидан кейин гамбургер билан пиво ошқозонимга бир оз оғирлик қилди.

Қорнимни тўйгазгач, уйимга қайтдим. Соқолимни олиб, душ қабул қилдим. Йўлга тушиш вақти бўлди.

Уша-уша тунд хизматкор эшикни очиб, Жанет Вестнинг хонасига бошлаб кирди.

Бир даста қоғозларни кўздан кечираётган Жанетнинг ранги ўчинқираган, кўзларининг таги худди кечаси ухламагандек қорайган эди. Кўзлари билангина кулимсраб, ўрнидан турди.

— Кираверинг, мистер Рейн. Марҳамат, ўтиринг.

Ўтирдим. Хизматкор индамай чиқиб кетди. Жанет безовта

кўзлари билан мени кузатарди.

— Яхши бориб келдингизми? Мистер Жефферсон сизни ўн дақиқадан сўнг қабул қилади.

Ҳа, сафарим муваффақиятли ўтгандай, — деб картмонимдан Френк Беллингнинг суратини олиб, унинг олдида ташладим. — Уни менга сиз бергандингиз, ёдингиздами? Суратдаги одам Герман Жефферсон дегандингиз.

У суратга хотиржам қараб қўйди-да, сўнг менга ўтирилди.

— Ҳа, ёдимда.

— Бу суратни мистер Жефферсонга кўрсатиб, мени қандай қилиб йўлдан адаштирганингизни айтиб

Тўсатдан Беллингнинг суратини юбориб қолди. У билан қандайдир иш бошламоқчи эканлигини ёзганди. Суратни, афтидан мен унинг гапларимга ишонишим учун юборган бўлса керак. Ишни бошлаш учун минг доллар бериб туришимни ҳам сўрагани. Мен юбормадим. Кейин жуда мушкул ахволга тушиб қолгани, уни кўрқитишгаётгани ҳақида ёзди. Хатида контрабандачилар ташкилоти билан айланишиб қолгани ва улар уни ўлдирамиз деб дўқ уришгаётгани ҳақида ёзилган эди. У яшириниб юришга мажбур экан. Герман менга Беллинг ҳалок бўлгани, лекин контрабандачилар ўлган у деб ўйлашаётганини хабар қилди. Хотини Беллингнинг жасадини бу ерга олиб келишини ҳам ёзганди. Бу ўша кишиларни унинг ўлимига ишонтиришнинг ягона йўли бўлиб, шундан кейин улар Германия тинч қўйишлари мумкин экан, — Жанет кўзларини беҳол чирмаштирди. — У нақадар пастлашиб кетгани мени ларзага солди. Мистер Жефферсон бу ҳақда билишини истамадим. Бундай қилмаслигим керак эди, тўғрими? Лекин нима иложим бор эди?

Мен жавоб қилмагач, у гапида давом этди:

— У менга бир хитойликнинг турар жойини маълум қилди. Вонг Хон Хо деган кишининг. Бирор гап бўлса унга хат ёзишимни тайинлади. Германиянинг хотинини ўлдиришгандан кейин мистер Жефферсон сизни Гонконгга юбормоқчи эканлигини айтгач, мен Вонгга хат ёзиб, уни огоҳлантириб қўйдим. Сизга Беллингнинг суратини берганимни ҳам маълум қилдим. Мистер Жефферсонга тўғрисида айтма олмаслигимдан бутунлай умидсизликка тушиб қолгандим.

— У ҳозир ҳамма гапни билади. Ҳақиқатни бошқа яшира олмайман.

— Нега энди? — У мен томонга интилди. — Ўлими олдида ўз ўғлининг виждонли одам эканлигига бўлган ишончини йўққа чиқариш шартми?

— Бу сиз ўйлаганчалик жўн эмас. Тобутни очиб кўриш керак. Полиция талаб қилаяпти. Бу ишни яшириб бўлмайди, — мен унга синовчан назар ташладим. — Сизни панада олиб қоламан, бошқаси қўлимдан келмайди.

Эшик тақиллаб, хонага хизматкор кириб келди.

— Мистер Жефферсон сизни қабул қилишга тайёр, — деди у. — Кетдикми?

Мен унинг ортидан юрдим. Жанет деразага гамгин тикилганича қолди.

Ж. Вильбур Жефферсон аввалги учрашувимиздаги каби курсида ястаниб ўтирарди. Олдида яқинлашганимда ёнидан жой кўрсатди.

— Хўш, йигитча, мана келдингиз. Демак, менга айтадиган гапингиз бўлса керак.

— Бор... Лекин, афсуски сиз эшитишни истайдиган гаплар эмас. Мени Гонконгга бу мудқиш фожианинг сабабини билиб келиш учун жўнатган эдингиз. Топширигингизни бажардим.

У менга синовчан қараб, елкасини қисиб қўйди.

— Бор гапни айтинг. Сизга нималар маълум?

Мен Гонконгга бўлиб ўтган воқеалар ҳақида, Германиянинг қисмати тўғрисида умумий тарзда гапириб бердим. Ўғлининг ўлими тафсилоти ҳақида индамадим. Полиция унинг жасадини денгиздан топганини айтиб қўя қолдим.

Жефферсон гапларимни гулзорга қараганича тинглаб ўтирди. Юзи бепарво эди. Гапимни тугатганимга қадар бир оғиз сўз айтгани йўқ.

— Энди нима қилиш керак? — деди охири, ҳамон четга қараганича.

— Полиция тобутни текширишни талаб қилаяпти. Хилхонани очиб учун сизнинг рухсатингиз керак.

— Яхши. Калитни мисс Вестдан олишингиз мумкин.

— Ўғлининг жасадини бу ерга юборишлари ҳақида келишганман. Тобут ҳафта охирида етиб келади.

— Раҳмат, — деди у бепарвогина.

Орага узоқ сукунат тушди. Бир-биримизга қарамас эдик.

— Менинг Германия ботқоққа бунчалик ботади деб ўйламагандим, — деди у ниҳоят. — Оғу сотувчи... Энг пасткаш маҳлуқ.

Индамай ўтиравердим.

— Нима ҳам дердик, балки ўлими унинг гуноҳларини ювар... Унинг хотини ҳақида гапирсак. Уни ким ўлдирганини аниқлай олдингизми?

— Ҳозирча йўқ. Шу иш билан шуғулланишимни истайсизми?

— Бўлмасачи, — унинг хаёли ҳамон ўғли билан банд эди. — Агар сизга бирор нарсаси, масалан пул керак бўлиб қолса мисс Вестга айтаверинг. Бу қабиҳ ишни фаш этиш учун қўлингиздан келган ҳамма чорани кўринг. Қотилини топинг.

— Менга хилхонанинг калити керак. Яна бир савол, мистер Жефферсон. Ўғлининг ҳалок бўлди. Энди ворисингиз ким бўлади?

У сесканиб тушди. Қовоғини уйганича менга қаради.

— Бунинг сизга нима даҳли бор?

— Бу сирми? Агар шундай бўлса узр.

Жефферсоннинг курси суянчигадаги кўзлари билинар билинмас титради.

— Бунинг ҳеч қандай сир жойи йўқ. Лекин сиз нима учун билмоқчисиз?

— Агар Германиянинг хотини тирик қолганда уни васиятингизда тилга олган бўлардингизми?

— Албатта. Ўғлининг хотини унинг улушини тўла тўқис олган бўларди.

— У катта пул бўлармиди?

— Давлатимнинг ярми.

— Анчагина экан. Иккинчи қисмини ким оларди?

— Мисс Вест.

— Демак, энди унинг улуши кўпаяр эканда?

У ўйга ботганича менга тикилиб қолди.

— Тўғри. Менинг шахсий ишларим билан нега бунчалик қизиқиб қолдингиз, мистер Рейн?

— Ишим шунақа, — дедимда, у билан хайрлашиб чиқиб кетдим.

Мисс Вестни иш устида топдим. Менга кўзи тушиши билан, олдидаги бир даста қоғозни четга сурди.

— Келинг, мистер Рейн, — овози бегона ва совуқ эди.

— Менга хилхонанинг калити керак. Полиция тобутни очиб кўрмоқчи. Лейтенант Ретникка калитни олиб келаман деб ваъда бергандим.

Мистер Жефферсоннинг эътирози йўқ.

У столининг тортмасини кавлаб, калит узатди.

— Мен унга ҳаммасини айтиб бердим. У гапларимни анча хотиржам қабул қилди.

Жанет бепарвогина елка қисиб қўйди.

— Энди нима қиласиз?

— У Жо-Эннинг қотилини топишимни талаб қилаяпти. Бу иш билан шуғулланишимга тўғри келади.

— Нима қилишни ўйлаясиз?

— Ҳамма қотилликларнинг маълум сабаблари бўлади. Ушбу қотиллик ҳам бундан истисно эмас деб ўйлайман. Бу хусусда менда баъзи фикр туғилди. Хўп майли, бошқа вақтингизни олмай.



Калитни ишни тугатганимдан сўнг қайтараман.

У яна қоғозларни олдида сурди. Хизматкор эшикни очди. Индамай ташқарига чиқдим. Машинам томон борар эканман Жанетнинг деразасидаги парда аста қимирлаётганига кўзим тушди.

Мисс Вест мени кузатаётган эди.

(Охири келгуси сонда).





## СПОРТ

## ҚЎЛ ЖАНГИ ЎСМИРЛАР ДИДИГА МОС

“Динамо” - кўнгилли спорт жамиятининг махсус ва жисмоний тарбия маркази 1985 йилда ташкил этилган эди. Бу давр мобайнида унда ички ишлар идораларининг кўплаб ходимлари чиниқдилар, қўл жанги сирларини эгалладилар. Лекин ўзининг асосий вазифасини бажаришдан ташқари марказ, болалар ва ўсмирларни машғулотларга жалб этишга йилдан-йилга кўпроқ эътибор бериб келмоқда. Ҳозир унда бир нефта пулли бўлимлар бўлиб, уларда тажрибали тренер ва инструкторлар ўсмирларга қўл жанги санъатидан бошланғич сабоқлар беришмоқда.

Машғулотлар эрта тонгдан бошланиб, қисқа танаффуслар билан кечгача давом

этади. Ҳозирги кунда асосий залга туташ қурилатган бинода жиҳозлаш ишлари тугалланмоқда, у битгандан сўнг машғулотлар учун шароит янада яхшиланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, қўл жангининг болалар-ўсмирлар бўлимларидаги машғулотларда қатнашиш ҳақи шаҳардаги бошқа спорт ташкилотларига нисбатан анча арзон, ички ишлар идоралари ходимларининг фарзандлари учун эса имтиёзли ҳақ белгиланган бўлиб, у деярли рамзий маънога эга.

Суратларда: ёш спортчиларнинг машғулотида.

В. КРИЛЛОВ олган суратлар.



## САВОЛЛАРИМ КЎП...

Биз — ҳуқуқшунослик олий билимгоҳининг бир гуруҳ талабалари яқинда Қўқон шаҳар прокуратурасида бўлдик. Мақсадимиз шу ерда ўқув-танишув амалиётини ўтказиш эди. Прокуратура ходимлари бизга кўп нарсаларни кўрсатишди. Ўғрилиқ, қотиллик, номусга тегиш каби разилликлар содир бўлган жойларни батафсил ўргандик. Бўлиб ўтган ҳар бир воқеанинг тафсилотини бошдан-оёқ сўзлаб беришганларида, тўғриси, қалбимни ғазабу нафратга ўралган тушқунлик чулғаб олди. Чунки жиноятларнинг аксарияти ёшлар томонидан содир қилинган. Келажак кунлар ҳақида қайғуриши керак бўлган тенгдошларимнинг кўпчилиги бугуннинг пайтавасига ўралиб қолишибди...

Қўқон шаҳрида ҳар чоршанба ва яшанба кунлари катта бозор, аниқроғи чайқов бозори бўлиб тураркан. Бозорга турли жойлардан ҳар хил табиатли одамлар келишар, охир-оқибат бозор эмас, безорилиқ, ўғрилиқ авжига чиқар экан. Энг ачинарлиси ва алам қиладигани — сотувчилар ҳам, олувчилар ҳам, безорию ўғрилор ҳам асосан ёшлар...

Нега шундай? Бугун олмос билан чўнтак кесаётган ўғрибола эртага пичоқ билан... Нима мажбур қиляпти уларни? Бунчалар тубан кетишнинг боиси нима?...

Мен Қўқондан оғир ўй-хаёллар оғушида қайтдим.

Сайёра САИДҚУЛОВА,  
Ҳуқуқшунослик олий билимгоҳи талабаси.

## ШУНДАЙ МАРКАЗ БОР

1991 йил февраль ойида Вазирлар Маҳкамасининг ташаббуси билан Адлия вазирлиги қошида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш республика ҳисобкитоб маркази ташкил этилди. У нималар билан шугулланади? Қандай ёрдам кўрсата олади? Жамоатчи мухбиримизнинг бу саволларига марказ бош директорининг биринчи ўринбосари М. Ё. ОЛЛАХВЕРДИЕВ жавоб беради.

— *Мамадриза Ёқубович. Марказ нима мақсадда ташкил этилган, унинг вазифалари нималардан иборат?*

— Биринчи навбатда у ўз вақтида ташкил этилганлигини ва бу борада Ҳукумат кўрсатган тезкорликни таъкидлаб ўтиш керак. Ҳаёт деярли ҳар куни олдимизга кўплаб иқтисодий ва ҳуқуқий муаммоларни қўймоқда. Оламжаҳон кўрсатмалар, қарорлар, фармонлар чиқарилмоқда. Бу ҳужжатлар оқимида нафақат қонунчиликдан йироқ кишилар, балки мутахассислар ҳам кўпинча бошлари айланиб қолаётганлигини тажриба кўрсатиб турибди. Марказ янги корхоналар ва ташкилотлар тузиш юзасидан ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар мажмуини тайёрлаш, юридик механизми ишлаб чиқиш борасида мақсадни кўзлаган ҳолда малакали иш олиб бормоқда. Бунинг устига, мижозлар билан ишлаётганда аниқ эҳтиёжлардан келиб чиқамиз, корхоналар билан истиқбол кўзланган ва муаммоларнинг жуда кенг кўламини (барча турдаги корхоналар тузиш, солиқлар, ташқи савдо, нарх-наво, банк, божхона ва монополиялаштиришга қарши масалалар юзасидан иқтисодий-ҳуқуқий консультациялар) қамраб олувчи муносабатлар ўрнатамиз.

Республикада чет эл инвестицияларини амалга ошириш иши

фаолиятимизда гоят муҳим ўринда туради.

— *Марказ фаолиятдан аниқ мисоллар келтира оласизми?*

— Ўнлаб корхоналар билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузилган бўлиб, уларда бажарадиган ишимиз юксак сифатли бўлиши назарда тутилган. Бизнинг ёрдамимиз билан яратилган кўплаб корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Тижорат сирини сақлаш учун уларнинг номларини келтирмайман, лекин ишонтириб айтишим керакки, улар ўта жиддий фирмалар бўлиб, нафақат республикада ҳудудда, шунингдек МДХ мамлакатлари ва чет элларда ҳам иш олиб бормоқдалар. Ўзимиз ҳам фаолиятимиз чегараларини анча кенгайтирдик. Хитой, Туркия, Англиянинг тижорат доиралари билан яқин муносабатлар ўрнатилган. Ҳозир Инюрколлеция (Чет эл юридик хайъати) яратиш иши яқунланиш арафасида. У кўплаб шерик ва мижозларни жалб қилади деган умиддаман.

— *Ходимларни қандай ва қаердан танлаб оласиз?*

— Бундан беш йил аввал бу масала анча кескин эди. Ҳуқуқшуносларнинг асосий қисми, мен юксак малакалиларини кўзда тутаяпман, давлат хизматида банд эдилар. Бозор муносабатларига қўллари тегмас эди. Тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар очилган ҳозирги пайтда мутахассисларнинг ўзлари билим ва тажрибаларини фойдалироқ жойда қўллашга интиломқдалар. Шунинг учун бизда танлаб олиш учун кенг имконият пайдо бўлди. Марказ ходимлари мижозга амалда ҳар қандай масала бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга қодирлар. Марказга Ғайрат Шомамудович Шотурсунов раҳбарлик қилади. Унинг тажрибаси ва ташкилотчилик қобилиятига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

— *Демак, муаммолар йўқ эканда?*

— Муаммо битта. Имкониятларимиз жуда катта лекин, афсуски, хабардорликнинг ёмонлиги туфайли кўпчилик, биринчи навбатда ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари хали фаолиятимиз ҳақида билишмайди. Холбуки, ўзаро ҳамкорлик қилишимиз учун катта имкониятлар мавжуд.

— *Масалан?*

— Ҳеч бўлмаганда хусусий қидирув бюросини ташкил этишни олиб кўрайлик. Бугун ўз касблари бўйича ишламаётган малакали хизматчилар анча. Чунончи, эрта нафақага чиқиб кетганлар ёки аччиқ устида ишдан бўшаганлар ва ҳозирги мураккаб шароитда ўз ўринларини топа олмаётганлар камми? Биргаликдаги куч-ҳаракатларимиз билан собиқ ҳамкасбларимизга ҳам, умуман ёрдамимизга муҳтож ҳамма одамларга ҳам кўмагимиз тегиши мумкин. Яна кўплаб фойдали нарсаларни топиш мумкин. Айтилик, Ўрта Осиё Интерполига ўхшаш ҳуқуқшунослар малакасини ошириш курслари ёки ахборот айрибошлашни ташкил этса бўлади. Спортчи? Айнан шу кунларда марказ қошида дэю-до бўйича жамоа ташкил этилди, унга республиканинг етук спортчилари киришган. Мана сизга тайёр шахсий соқчилар курси. Бу ерда милиция ходимлари ҳам шугуллансалар бўлаверади.

Газетангиз саҳифасида биринчи марта чиқишимиз ўзаро самарали ҳамкорлигимизнинг дебачаси деб умид қиламиз. “Постда” газетаси халқ ўртасида машҳурлигини билганим учун ва берилган имкониятдан фойдаланиб, муштарийларингизга мурожаат қилмоқчиман. Сизни кутамиз ва ёрдам беришга доим тайёرمىз.

Манзилгоҳимиз: 700019, Тошкент ш., Себзор даҳаси, 1-йў.

Сухбатдош Г. НАУМЕНКО.

■ Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.

■ Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, оқик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

■ Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси  
«Шарқ» нашриёт-матбаачилик  
концерни босмаҳонаси.  
700083, Тошкент,  
Ленинград  
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91,  
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул  
котиб — 59-26-56, муҳбирлар бўлими —  
59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир  
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:  
700029, Тошкент, Г. Ло-  
патин кўчаси, 1.